

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи


Газета 1988 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 193 (6. 682)

1988 йил 25 август, пайшанба

Баҳоси 3 тийин

ЗАМОНДОШИМИЗ



Мехр

Марҳамат бундай бўлишни етти ухлаб тушида кўрмаган эди. Қизлар оdatда, тикуччиликка, ўқитувчиликка, тарбиячиликка, врачликка, машинисткаликка ё шунга ўхшаш ўзларига мос касбларга ихлос қўйувчи эди. Марҳамат ҳам ўз ширин хаёлида ана шу касблардан бирини — врачликни чамадаб ўзича орзу қилиб юрарди. Аммо ҳаёт кутилмаган тасодифларга тўла деб бежиз айтишмаган экан.

123-ўрта мактабни битирдию кўпгина «ёшлик» хаёллари учиб кетди. Улар яқин орада амалга ошириш қийин бўлган доволардек олисда қолди кетди. У ўзига таниш ва қалбига яқинроқ ишни излаб қарайди ва қайси ушунга қўйиб қўйди. Ҳаётда устознинг, ҳақиқий меҳрибон инсоннинг ёшлар тақдирда қанчалик муҳим роль ўйнашини Марҳамат маънавий Юлия Сидикинада аққол ҳис этди. У вақтини аямайдиган мураббийлардан экан.

Тошкент қўғоз комбинати коллектив (уни халқ оддийгина «Ўзбум» деб атайди) Марҳамат Маҳмудовани ана шу тариқа ўз бағрига олди.

Еш қиз очик чехраси, маъноли кўзлари, чаққон ва уздабуронлиги билан фақат ўзигагина эмас, коллективга ёқиб қолди. Айниқса, меҳнатсеварлигини айтмайсанми? Фақат ишчилар ўртасидагина оғизга тушмай, балки бригада етакчилиги ўртасида ҳам лафзи ҳалоллиги, ҳар қандай топшириқни аъло даражада ундаш билан мактовга сазовор бўлди.

Ҳозир у қўғоз комбинатига ишга кириб, янгилимаганига ишонч ҳосил қилипти. Бўлмаса, бу ерда ишлаётганга ҳали қўй вақт бўлгани йўқ (дастлабки уч йил иккундаёқ ўзини меҳнатда кўрсата олди), коллектив унга янги-янги унинг ва ишонч билан қарамокда. Бу эса — энг муҳими!

Бирор меҳрини гулга, бошқиб меҳрини ёзга ё газламга бағишлайди. Марҳамат эса меҳрини қўғозга бағишда эътибанди олам-олам гурунанади.

Х. ИКРОМОВ.
© СУРАТДА: Марҳамат Маҳмудова.
Т. Қаримов фотоси.

Янги ўқув йилига

«Алгоритм—2» масъулида 1251 ўқувчи замонавий мактаб биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

33 синфдан иборат мактаб мактаб биноси «Ташкент» лойиҳаси асосида бунёд этилди. Бу ерда 400 киши синадиган активлар ва 2 та спорт заллари, 6 ёшли болалар учун ихтисослашган синфхоналар мавжуд. 288 квадрат метрли ошхона ҳам бўлади.

Бунёдкорлик ишларини 159-трестга қарашли 61-қурилиш бошқармасининг Раҳмонбек Раҳимбеков бошичилигидаги буюккорлар олиб боришди. Пардозлаш ишларини эса 2-пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармаси сайқалчилари адо этдилар.

Кичкинтойлар маскани

«Ғалабининг» 40 йиллиги номи масъулида тиланган 560 ўқувчи болалар боччаси кичкинтойлар ихтиёрига топширилди.

Замонавий усулда қурилган бу болалар маскани қатор қулайликларга эга. Жумладан, бу ерда «юноли» бурчаклар, спорт майдончалари каби сервиз жойлар мавжуд.

Бунёдкорлик ишларини 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармасига қарашли Э. Мурод Тўраев етакчилигида қурилган коллектив амалга оширди. 1-пардозлаш трестининг 11-қурилиш бошқармаси коллектив бинога сайқал беришда, уни пардозлаш чиқаришда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Д. ОБЛАЕВ.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Асосий бўғин

Партия гуруҳларида ва ҳар партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиллиқлари давом этмоқда. Қўшма раён партия комитети ташкилий бўлимининг муdiri Ҳамидулла Абдуллаев бу муҳим кампанияни шундай шарҳлайди:

— Раён партия ташкилотларида 414 партия гуруҳи, 307 та ҳар партия ташкилоти бор. Улар партиянинг энг қуви, асосий бўғини ҳисобланадилар. Ишлаб чиқариш, соҳалардаги ишларнинг натижаси энг аввало гуруҳлар ва ҳар партия ташкилотларининг жағоварлиги ва ташаббускорлиги, улардаги коммунистларнинг авангардчилиги ва ташаббускорлигига бевоисита боғлиқдир.

Шунинг учун раён партия комитети партия гуруҳлари ва ҳар партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиллиқлари Бутунитифоқ XIX партия конференцияси талаблари асосида ўттиш учун зарур чораларни кўрмоқда. Бу кампания олдидан гуруҳ ташкилотчилари ва ҳар партия ташкилоти секретарларининг сайёр семинарлари ўтказилди. Йирк қорхоналарида эса раён партия комитетининг маъсул ходимлари бўлиб, йиллиқларнинг жағоварлигини таъминлаш учун нимагадир эътибор бериш кераклиги ҳақида сўхбатлар ўтказилди. Ҳар бир ташкилотта бириктириб қўйилган раёмон ходимлари ҳам ҳисобот-сайлов йиллиқларида тайёргарлик қилиш ва ўтказишда гуруҳ ташкилотчилари ва ҳар партия комитетларининг секретарларига амалий ёрдам беришга даъват этилдилар.

Раён партия комитетиде ҳисобот-сайлов йиллиқларининг боришига зарур ҳолларда ёрдам кўрсатиш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкилотчиларининг натижалари йиллиқларида кўрсатилади.

— Дастлабки ҳисобот-сайлов йиллиқларининг натижалари йиллиқларида кўрсатилади.

Энг аввало коммунистларнинг ўзига, партиядаги ўртоқларига талабчанлиги ошди. Шу кунгача 112 та партия гуруҳларида ҳисобот-сайлов йиллиқларида гуруҳ ташкилотчиларининг 34 таси алмашди. Янги сайланган партия гуруҳлари ташкилотчилари орасида Тошкент трактор заводида Юри Кандалов, «Средзакбель» ишлаб чиқариш бirlашмасида Флора Шамсидинова, «Ўзбекхлопкомаш» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасида Аркадий Хан, «СанНИИР» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасида Аҳмад Қасимовлар бор. Уларнинг бари умумий ишчи фидойи, коллектив ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган коммунистлардир.

Очигини айтганда, бу гуруҳларга бошлангич партия ташкилотларининг унчалик эътирози йўқ эди. Аммо КПСС аъзоларининг ташкилотчи, принципал, ташаббускор бўлишларини хоҳлаб, аввалги етакчиларини алмаштиришга қарор қилинган. «Ўзхалдотормонтаж» трестининг маъсул ремонт-монтаж бошқармаси, «Средзакбель» ишлаб чиқариш бirlашмаси, ДОСААФ мактаби партия гуруҳларида ҳисобот-сайловлар ана шундай ўзаро талабчанлик, эришилган натижаларга танқидий кўз билан қараш руҳида ўтди.

Лекин аввалги йиллардан мерос бўлиб қолган расмийчилик, эскича фикрлар қўринишларидан тўла халос бўлишга йўқ. Масалан, «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси маъмурий аппаратидеги партия гуруҳларида ҳисобот-сайлов йиллиқларида коммунистларнинг пасивлигида ўтди. «Средзакбель» ишлаб чиқариш бirlашмасидаги айрим бўлимларида ҳам нимагадир ўтган йиллиқлар бўлганлиги аниқланди. Ана шундай ҳар бир ҳол раён партия комитетиде муҳокама қилиниб, улардан тегишли ҳулоса чиқарилади.

— Ҳисобот-сайлов йиллиқларида коллективдаги партиячиларнинг ҳам тақлиф этиш, юқори партия органдарига, партия комитетларига конференцияларга номзодлар кўрсатиш тажрибаси ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳа, асарият партия гуруҳлари ва ҳар партия ташкилотларида очик ҳисобот-сайлов йиллиқлари ўтказилган. Жумладан, ҳозирча 140 дан ортиқ гуруҳ ва ҳар партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиллиқлари бўлиб ўтди. Уларда мингта янги коммунистлар ва кўпбалли партиячилар қатнашди. Партия йиллиқларида партиячиларнинг қатнашиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда коммунистлар фаолияти коллектив бirlашмасидаги номзодлар ҳисобига баҳоланапти. Партиячилар партия гуруҳлари ва ҳар партия ташкилотлари ишчи ахшиллаш юзасидан қимматли тақлифлар киритмоқдалар.

Сайлаб қўйилган партия органдарини шакллантиришда бarcha коммунистларнинг фикрларини аниқлаш мақсадида ҳисобот-сайлов йиллиқларида бу органдарга хоҳлаган миқдорда номзодлар кўрсатмоқдалар. Бу номзодлар бошлангич ташкилотдаги кичкинлик коммунистлар овозини ола, улар юқори партия ташкилотларининг йиллиқларида муҳокама қилинади.

Коммунистлар ҳақиқатдан ҳам қайта қуриш фидойилари бўлган ўртоқлари номзодларини раён, шаҳар, об-ласть партия комитетларининг конференцияларига делегатликка қўймоқдалар.

Сўхбатни А. НОСИРОВА ёзиб олди.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ИЗИГА ЎТКАЗАЙЛИК

В. П. Никоновнинг Ўзбекистонда бўлиши

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов 22—24 август кунлари Ўзбекистонда бўлди. У Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларидаги бир қанча колхоз, совхоз ва агросаноат комплексларининг қорхоналарига борди.

Қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашув ва сўхбатлар чоғида агросаноат ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш, уни ўз ҳаракатларини ўз қоплаш ва ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш принципларида ишлашга ўтказиш муаммолари атрофида муҳокама қилинди. Ондавий, зверо, бригада пудрати, ижара шароитида ишлашнинг кенг жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Юва районининг «Коммунизм» Тошлоқ районининг «Фарғона», «Ленинград» колхозларида пахтакорлар билан учрашди. Пахта ҳосилининг эмас, шу билан бирга оқсилга бой бўлган озуқа экинлари етиштиришни қўлайлаштириш имконини берадиган пахта-беда алмашлаб экинчи жорий этиш (бундай алмашлаб экинни йўлга қўймай туриб, чорвачилик янада юксалтириш мумкин эмас) тўғрисида гап борди, илм-фан ютуқларини қўлайлиги практикага жорий этишда мутахассислар, хўжаликлар раҳбарларининг

роли тобора ошиб бораётганлиги таъкидланди. Иштихон районидеги Ангелс номи колхоз далаларида макка-жўҳори ва соя экинларини аралаш етиштириш тажрибасига жўҳори баҳо берилди. Х. Ҳамроевнинг ижара эвесони бу йил ҳар гектар майдонда 80 центнердан макка-жўҳори ва 30 центнердан соя етиштирди. Ижарачиларнинг тажрибаси республикага кенг жорий этиш учун тавсия қилинди. Ўзбекистон ем-хашак етиштириш соҳасида катта имкониятларга эгадир.

В. П. Никонов Каттақўрғон районидеги Йирк чорвачилик комплексининг иши билан батафсил танишди. Комплекс коллектив пудрат асосида ишламоқда ва нововазни қарийб 600 килограмма сутунча уларни сўғимага бодмоқда. Чорвадорлар комплексида тўла самара билан ва топирилган иш учун масъулият ҳис этиб ишламоқдалар, кўпгина коллективлар учун яхши намуна кўрсатмоқдалар. Шу ернинг ўзидеги қишлоқ кооперативлари раҳбарларидан бир гуруҳи билан қорамолларни сўғимага боқиб ва сут етиштириш тўғрисида батафсил сўхбат бўлиб ўтди. Колхоз ва совхозларда, хўжаликлар-аро қорхоналаридагина эмас, шу билан бирга кооперативларда, шахсий ёрдамчи хўжаликларда ҳам чорвачилик маҳсулотни етиштиришни қўлайлаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Ана шу мақ-

садлар учун пудрат ва ижарани кенг жорий этиш, янги ва илгор тажриба йўлидаги тўқиларни бартараф қилиш тавсия этилди.

Анор етиштиришга ихтисослаштирилган «Анор» совхозиде, «Пастдарғом» ва «Пахта» бодгдорчилик-узумчилик совхозларида, Карл Маркс номи колхозда В. П. Никонов мева ва резавор мева етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан иш-қилди. Раҳбарлар ва мутахассислар билан сўхбатда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий этишга, ҳосил нобуд бўлишини бартараф этишга, хўжаликларда оморлар, совутиш камералари, шунингдек тез бузилиб қоладиган маҳсулотни қайта ишлайдиган линиялар ва пехлар қуришига қаратилди. «Пахта» совхозидеги ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиққан технология асосида тўзаявондан лектин ишлаб чиқаришдаги пех алоҳида қизиқниш уйғотди. Бу технология озиқ-овқат қорхоналари учун қимматли хом ашё тақчиллигини бартараф этиш имконини беради.

Маргилон шойи комбинатиде раҳбарлар ва мутахассислар билан бўлиб ўтган сўхбатда колхоз ва совхозларда кооперация принциплари асосида пиланиш дастлабки тарзда қайта ишлайдиган кичик-кичик пехлар

ташкил этиш тўғрисида гап борди. Бу эса хўжаликлар экономикасини мустақамлабгина қолмай, шу билан бирга қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга хизмат қилган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети секретарининг республика агросаноат комплекси меҳнаткашлари билан учрашувлари ва сўхбатлари чоғида қишлоқларни обод қилиш муаммоларига, бarcha социал масалаларига ҳал этишга ҳам кўп эътибор берилди.

Республика бўйлаб сафарда В. П. Никоновга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Ҳ. Қодиров ҳамроҳлик қилдилар.

24 август кун В. П. Никонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида нутқ сўзлад.

Шу кун В. П. Никонов Москвага жўнаб кетди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

Ш

ҳаримиз кўчаларида ҳаёт қайнайди. Йўлларда сон-саноқсиз машиналар оқими, манзилга шошилаётган йўловчилар. Транспорт олдига тирбанд навбатлар.

Ҳўш, нега ҳамон ақаоқ ўзгармаяпти. Текнига юрган йўловчилардан жамоат транспортлари нима учун ҳагача халос бўлмаган йўқ. Текширини бошлашдан аввал ўнлаб одамлардан бунинг сабабларини билмоқчи бўлдим. Улар қайтарган жавоблар оддий бўлса ҳам алоҳида эътиборни тақозо этарди. Жумладан, қўллаб-қувватловчи графикларни издан чиқиб-қилиниш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириб боришга етарлича аҳамият берилмаётганлигини эътибор этишарди. Қўриниб турибдики, ҳали ишдаги суст-ҳашиклар кўп. Уни бартараф қилишда.

Йўл ҳақиқини унутмадингизми

раф этишга астойдил энг шимариб киришгани йўқ. Бу галги мавзунимиз яна билетсиз йўловчилар ҳақида. «Главлташассавторанс» бошқармаси контрол-нормативлаш бўлими бошлиғи Комиль Одилович Қасимовдан олиган сўхбатимиз қўйрма:

«Назоратнинг қаттиқ йўлга қўйилмаётганлигига қарамай кейинги 6 кун ичиде ақаоқ деярли ўзгаргани йўқ. Билетсиз йўловчилар муаммоси мавзунлигича қолмоқда. Бунинг нўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. 15 августдан — 21 августгача бўлган вақт ичиде шаҳар автобусларида текнига юрган йўловчи-

ЕКИ ЯНА БИЛЕТСИЗ ЙЎЛОВЧИЛАР ҲАҚИДА

ларнинг 2 минг 212 нафари аниқланди. Улар назоратчи-ларга 6 минг 636 сўмлик жарима тўладилар».

Ҳўш, бeъз ҳамшаҳарларимизни, қолаверса, бу ерда таширф бўларётган меҳмонларнинг билетсиз юришига нима мажбур этипти экан. Масъулиятсизликни ёки лоқайдлик, бизнингча, иккаласи ҳам бўлса керак. Истаган пай-тингизда бекатга келиб тўхтаган автобусларга, улардан тўшайтган йўловчиларга разм солинг. Контролёвлар билан бекинмачқоқ ўйнашни оdatдаги ҳолга айлантирган аксериай йўловчиларда эса бир хил

ифода: кўзлари олазарак бўлиб, ён-верига боқадил. Тўхташ жойларини ҳавотир билан кузатиб боради. Рўперасига бирор савални одам келиб қолса, контролёв эмасикан деб юрагига гулгулга тушади. Манзилга етиб олгунча ўзини ҳар мақомга солади.

«Неверасини бошлаб йўлга чиққан отахон «Самарқанд» автовокзални бекатдаги назоратчиларнинг олдиде жолат тортиб қолди. Улар ишларини, турар жойларини ҳам сир туттичи, уч сўмлик жарима тўлаганче йўлларига яна равона бўдилар. Ғалаба районида яшовчи Бахтиёр Са-

фарбеков ҳам шундай масъулиятсизликка йўл қўйди. Иккинчи маршрут бўйича қушовчи троллейбусдан тушиб келган медицина институти студенти, Яковлев кўчасидаги 23-уйда истикомат қилувчи Мирзаим Мирсаматовнинг «хунери» эса ҳаммани ажаблантирарди. Йигитнинг ҳайдовчи-ге қолдирган беш тийини туфайли ҳамме ортиқча ташвишларга чалғиди. Ҳайдовчига йўл ҳақи тўлаш қонун-қондаги хилофлигини у йўлашини ҳам ҳохламади. Натижада Сергел район ички ишлар бўлимига олиб бориладиган сўнг-гине Мирзаим ўз хатосини ту-

шуниб етди. Шу орада вагон номери 2331 бўлган 2-троллейбус ҳайдовчиси шайинга ҳам ақичи эътирозимиз бор. Нахотки йўловчиларнинг бундай юриши мақсада мувофиқ эмаслигини билла туриб боланинг хатосини тўзатмади! Бунинг ўрнига у берган тангасини кабинада қолдирди...

— Билетсизларга қар-ши курашда автобусга ўр-натилган микрофондан унмуним фойдаланилса аяни мууддао бўларди, — дейди назоратчи Абдуқасимов Аб-дуллаев. — Ахир ҳола де-ган билан оғиз чучишмайди.


Одамлар қанча кўп оғохлантириб борилса, шу-чалик хушёр тортишарди. Бу билан бир-бирларини назорат қилишга талаб ку-чади. Афсуски, ҳали у даражага етишимизча йў-ловчиларнинг бепарволиги, баъзи бир ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлиги ҳалақит берипти.

Ҳа, бу масала юзасидан жиддий ўйлаб қуриш ва ама-лий ишга киришиш вақти ет-ди. Айниқса, студентларнинг, ёшларнинг жамоат транспор-тига онгли муносабатда бў-лишлари инҳоята муҳим. Тўлганган маълумотлар шу-ни кўрсатиб турибдики, ёшлар ҳали бу борада анча орке-

да қолишмоқда. Айни пайтда комсомол билетини жарима ўрнида назоратчиларга қол-дириб кетган, ўзларининг бо-номга муносуслигини кўр-сатган ўйлаб ёшларнинг рўй-хати бошқармада турибди.

© Баъзи бир йўловчилар, нинг масъулиятсизлиги эва-зига ҳамон автомобиль транспортидаги энг муҳим муаммо — абонемент ре-ализацияси несинилгича турибди. Унинг баъзилари, ши нуқлини пландеги 31 минг сўмлик ўринга эриг 36, 37 минг сўмликча ет-казилпти, ҳоло. Шундан экан, билетсиз йўловчилар билан курашда ҳали давом этаверарди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.
«Тошкент оқишони» мух-бири.



Икки оила сайрга чиқди...

Бувижон, ўқиб беринг

НОМИ УЧИБ КЕТАДИ

Хамма дилдан тинчлик истаб,
Деса агар омонлик,
Заррача ҳам хабарига
Кептирмаса ёмонлик,
Бир-иккита урушқоқлар
Ўз бошига етади.
Хеч ким уруш ҳоҳламаса
Номи ўчиб кетади.

ЕР

Ер дунёда ягона,
Хамма одамга она.
Кийдирган ҳам она ер.
Едирган ҳам она ер.
Заминда одам ҳаёт,
Фақат унда қулар бахт.
Шу сабаб қўйиб кхлос,
Ерни қиламиз эъзос.

МУШУКНИ АРДОҚЛАГАН

ФИЛ

Фил мушукни нега, айт,
Яқин дўст деб биласан!
Қайда қўрсанг ардоқлаб
Бунча ҳурмат қиласан!
— Арзир бошга кўтарсам
Халоскорин упуллаб,
Сичқон деган йиғудан
Юрар, мен кўриқлаб.

Қамбар УТАЕВ.

Хар тўғрида

Биринчи олтин медалъ

Джидда 12 йили акробат Се-
рвжа Коцуба Парижда бўлиб ўт-
ган 8-ш цирк артистларининг XI
халқаро конкурси лауреати бўлди.

...Беш йили киши келаман
ҳақида уйламайди. Иккинчи Се-
рвжа учун бу ҳақида унинг ота-
си — Сергей Коцуба бош қо-
тирди. Цирк акробатикаси маъ-
нур оила учун авлоддан-авлод-
га ўтиб келатган насб ҳисоб-
ланади. Бу насбга иккинчи Се-
рвжанинг бобоси асос солган.

Сергей Коцуба ўғлидан ях-
шигина артист чиқади, деб ҳи-
соблайди.

Акробатика иккинчи Се-
рвжа учун ўйиндан бошланганди.
Эндилкида Се-рвжа бажараётган
элементлар юксак маҳоратли
спортчи акробатлар даражаси-
да. Париждаги мусобақалар
учун таййарланган махсус про-
грамма унга катта муваффақият
келтирди. Олтин медалъ ана
шундан далолат.

Коцуба оиласининг янги чи-
қишини томоша қилгани нелган
муҳлислар инсон нақадар эл-
чил, нақон элчиларига иқдор
бўлишиди. Сергей Коцуба (36
йил, 69 кг) 35 килограммли
«снаряд» — Се-рвжани ҳавога
отиб олиб олмада, ҳавода эса
турли элементларни бажармоқ-
да.

«Парижда боришдан аввал
дадам менга галаба ҳақида эл-
мас, балки яхшироқ иштирок
этиш тўғрисида ўйлашимни
айтгандилар, — дейди иккинчи
Се-рвжа. — Кунлар жуда қиз-
қарли ўтди. Ҳар бир чиқиши
миздан сунг (аслида уч тур бўл-
ди). Французлар олдинмизга ке-
либ, «олтин» бизга тегишини
бажарот қилишар, мен эса ме-
далини қўлга олмагунча ишон-
масдим.

«Бу конкурс йилларини бўл-
ди, гарчада медалъ бўлиш ҳам,
қишмишга берилган бўлсан ҳам,
— дейди ота, — асосий голиб
— ўғлим».

Маълумки, санъат қурбониз
бўлмайди. Иккинчи Се-рвжанинг
ёшида футбол ўйнаш, велосипед
учиш мумкин. Лекин унга бу
тақиқланган: сабаби битта —
оғи лат эса барча чиқишлар
олин барбод қилади. Бирон, ик-
кинчи Се-рвжанинг ҳаёти «эри-
нарли» эмас. У акробатика би-
лан яшайди, теннис ўйнашни
яхши кўради. Ундан, доимо
спорт формасини сақлаш муш-
кул эмасми, деб сўрашса, у
формада бўлишга интильмай-
ман, дейди. У музаймон, ши-
ринлини ёйди. Эхтимол чинакам
истеъдод соҳибига булар тўсиқ
эмасдир...



«ТАШКУЛЬТОРГ» «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕН- ТИЛИ.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

6-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10-синфни битирган йигит ва қизларни

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР

БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ҒИШТ ТЕРУВЧИ. Ўқиниш муд-
дати — 6 ой.

ДУРАДГОР-ҚУРУВЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЭҚЧИ, БЎЭҚЧИ.
АЛЬФРЕНШИК (надувка, накат йўллари билан гул со-
лувчи). Ўқиниш муддати — 1-3 йил.

АВТОСЛЕСАРЬ — ўқиниш муддати 1-3 йил.
6 ойлик курсларга 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул
қилинади.

1-3 йиллик ўқишга 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул
қилинади.

6 ойлик курсда таълим олаётганларга 75 сўм стипен-
дия, 1 йиллик курсларда ўқийдиганларга эса 30 сўм миқ-
дорига стипендия берилади.

3 йиллик курсларда ўқийдиган ўқувчилар 2 марта бепул
овқат ва кундалик кийиладиган кийим-бош билан таъмин-
ланадилар.

Билим юртини битирганларга касби бўйича диплом ва
ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестат берилади.

Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларга олий
ўқув юртиларига йўлланма берилади.

Ўқиниш муддати иш стажига киради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топши-
рилиши лозим: директор номига ариза, тузилганлиги ҳақи-
да гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳно-
ма, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан
справка, 6 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, таржиман
ҳол, характеристика.

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссе, 69-уй
(1, 4, 101 э, 24 17-автобусларнинг «М. Горький» метро
станцияси; 17, 18-троллейбуслар; 6, 13, 22-трамвайлар-
нинг «Партия мактаби» бекатлари).

Уйқудаги шуйла

Кечмишларнинг қумдай сочилган... ўям
хислар қирғоғида ётаркан бошинг,
бушаниб йиллагинг келади юм-юм,
дудланиб оқанда ўн тўққиз ёшинг.
Кўзларингни юмсанг, келиб қўйингга
болалигинг сени солиб кетади.
Е, оқар умрингни юзингда тинган
томчи-акси бўлиб қолиб кетади.
Шу қатрага шўйиб... хотираларга
сингасан,
танангни йироқ-йироқлаб,
гирдобдай етаклар рўҳинг қазрига
орзуларинг мунгли қадирлоқларни.
Юрагинг тубига чўкканча оғринг,
ҳазин сукуматни ютасан тўймай.
Шовқин тушларингдан қочганча, ҳориб
киприкларингга тоғи болишин қўйгай.
Сен тургунча ҳеч ким, гўё сирлашиб
олгандай уйғотмас,
сента ачиниб
гуноҳсиз жуссангга майин чирмашиб,
ухлаб қолган нуқра — тоғи шўласини...

Шовулар хисларим. Охир денгиздай
хонамни ғарқ этар тоғи тушларим
хаёлим уфқининг сарҳадларига
мени бошлаб кетар рўҳим қушларни.
Айтилмаган сўзлар кезинар дилгир,
уфурар тўғини азиз ўйларининг
тинмас яшолмасдан қолган кунларга
чўккан орзуларининг маҳзун куйларни.
Узлаштириб олар қалбимни оғринг,
жисмим тегшишмас энди ўзимга —
кириб келар бирдан баҳайбат борлиқ
ташландиқ гор каби бўм-бўш кўзимга.
Юлдузлар қалтирар. Соқин тун аро
кўксимда юлдузлар музлаб бўлдилар,
кимингидир соқинган кўм-кўн кўзларни
кўксимда юлдузлар излаб ўлдилар.
Меҳр гулҳаннинг ёқувчи қўл йўқ —
бўшлиққа йўрилган маконларимнинг,
бўшлиққа биқинган замонларимнинг
қобитидан ортга наҳотки йўл йўқ!
...Уйғониб кетаман ловуллаб тўшим,
тасалли бераман кимгадир қўлиб
тиклиман бўсалар олар бир кўшиқ
олис Болалигининг ёдига тўлиб:
«Сен юрагимдаги қайноқ оловсан —
гурлайсан ўз қайғу, шодлигинг билан
бир кун ўзинг тошиб, ўчиб қолсан,
ҳозирча қатрасан киприкча инган...»

Оққушга ўхшайди сенинг Ниғоҳинг —
топтоза кўзларим уммонларига
сўзар Ойнинг шаффоф ёдугуларигади...

Япроққа ўхшайди сенинг Ниғоҳинг —
тилларидадан кўчган майин шамоллар
шодон эриласа ўзгилб кетар...

Айт, Ой шўласини қандай қучайин,
қандай эрилайин Япроқини узмай —
меники бўлиши учун бу Ниғоҳи.

Бахтиёр АХМЕДОВ.



Танаффусда...

Р. Шарипов фотоси.

Кувноқ сатрлар

Базмда гиламдаги
ёзилган «Хуш келиб-
сиз!» сўзини ўқиб, икки
билимдон тортишиб
қолди.

Бирни деди иккинчи-
сига:

— Иккита ундов қў-
йилбиди, хато!

— Келин-куёв айтпа-
ти, билдингми! — эъти-
роз билдирди иккинчи-
си.

— Ойла аъзолари ба-
раворига айтса-чи!

— Бараварига саккиз-
та ундов бўлади.

Тўраев директор бўл-
ди-ю, эшигидан қўй-чи-
килар кириб кела бош-
лади. Оиласи курсанд
бўлиб кетдики, «...ана,
омад, омад — даро-
мад...».

— Эҳтиёт бўлинг, да-
даси, ит-пит ҳам кириб
келиб қолмасин, ада-
шиб... — ҳазиллашди
хотини.

Орадан бир ой ўтар-
тмас йўқлагандай ми-
лиция ити билан ки-
риб келди.

Ўқитувчи бепарво
ўқувнига айтди:

— Сenga гапиряпман-
ми, деворагми?

— Билмадим, домла.


КЕЛИН. Гул ўрнига
сабзи-пиёз совға қилдин-
гиз?

КУЕВ. Бугундан бош-
лаб рўзгор тебратиш
бошимизга тушди, жон-
гинам.

ОНА. Қизим, уйда
ётемизми, ё пашшахона-
да?

ҚИЗ. — Уйда, пашша-
хонада.

Анвар МИРЗАЕВ.



Бугунги Тошкент. СССР халқлари дўстлиги музейи.

Т. Каримов фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТУШЛИК ОВҚАТМИ ЁКИ МУЗҚАЙМОҚ?


Мактаб ўқувчиларининг ота-оналари диққатига!
АНА ШУ САВОЛГА АКСАРИЯТ БОЛАЛАР «АЛ-
БАТТА, МУЗҚАЙМОҚ МАЪКУЛ» ДЕВ ЖАВОБ БЕРИ-
ШАДИ. ЎЗ-ЎЗИДАН АЕНКИ, АНА ШУ БОЛАЛАР
ОТА-ОНАЛАРИ МАКТАБ ОШХОНАСИДА ОВҚАТЛА-
НИШ УЧУН БЕРГАН ПУЛНИ МУЗҚАЙМОҚҚА ЁКИ
БОШҚА ШИРИНЛИККА САРФЛАШАДИ.
Ширинликлар, ҳаво шарлари, ўйин автоматлари уларни
мўминдек ўзига жалб этади.
ПУЛ ЎРНИГА — ОШХОНАДАГИ НОНУШТА ЁКИ
ТУШЛИККА АБОНЕМЕНТ БЕРИШ—АНА ШУ МУАМ-
МОНИ ХАЛ ЭТИШ ЙўЛЛАРИДАН БИРИ.
1988 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН
БОЛАЛАРИНГ ОВҚАТЛАНИШИ УЧУН
ХИСОБ-КИТОБНИНГ НАҚД ПУЛСИЗ АБОНЕМЕНТ
СИСТЕМАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ!
НОНУШТАГА БИР ТАЛОННИНГ БАҲОСИ — 10 ва
15 тиния, тушлик овқат талони — 20, 25, 30 тиния.
Болалар учун столлар олдиндан, белгиланган танаф-
фусларда тузатилади.
Абонементлар сифр раҳбарлари томонидан ҳар ҳафта-
нинг охирида (келаси ҳафта учун) — ота-оналарга ёки бо-
ларларнинг ўзига тарқатилади.
Олинган абонементлар пулини душанба кунни мактабга
еткизиш зарур!



ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ-
НИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШ-
МАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА — Янги программа «Ин-
терцир-88» гастроллари (25,
26/VIII да 18.30, 27/VIII да
16, 19.00).



25 АВГУСТДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ
КУЧИ» (17, 20.00); «ЭРКАК-
ЛАР ПОРТРЕТИ» (17, 19.30).

Москва — «МЕНИНГ ГЎЗАЛ
МАЛИКАМ» (22.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «Ў-
РОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (18.00);
«ТАБИАТ ҚАРҒИШИ» (16,
20.00).

Чайка — «МЕНИНГ ГЎЗАЛ
МАЛИКАМ» (17.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «БАХТ УЧУН УЧ КИ-
ШИ КИФОЯ» (жуфт соатларда
ва 21.30 да).

Восток — «ЎЛИ КИЗ АЗА»
(16, 18, 20, 21.30).

Фестиваль — «ЎЛИ КИЗ
АЗА» (22.00); «СИРЛИ ЭКС-
ПЕРМЕНТ» (22.00).

Дружба — «АЛВИДО, ЗА-
МОСКВЕРЕК БЕЗОРИСИ...»
(тоқ соатларда); «СИНДБОД-
НИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ»
(жуфт соатларда).

Ватан — «ҚОРА КАЛХАТ»
(17.00); «АЭРОПОРТДАГИ ВО-
КЕА» (18.30, 21.00).

26 АВГУСТДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «СЕВГИ
КУЧИ» (11, 14, 17, 20.00); «ЭР-
КАКЛАР ПОРТРЕТИ» (12, 14.30,
17, 19.30).

Москва — «ЯНГИ АМАЗОН-
КАЛАР» (11, 13, 15.00); «МЕ-
НИНГ ГЎЗАЛ МАЛИКАМ»
(20.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЎЛИ
КИЗ АЗА» (10, 12, 14, 16, 18,
20.00).

Чайка — «МЕНИНГ ГЎЗАЛ
МАЛИКАМ» (11, 14, 15, 17.30,
20.45).

Фестиваль — «ЎЛИ КИЗ
АЗА» (22.00); «КОРДЕБАЛЕТ»
(22.00).

Тошкент Советининг 30 йил-
лиги — «БАХТ УЧУН УЧ КИ-
ШИ КИФОЯ» (жуфт соатларда
ва 21.30 да).

Восток — «ЎЛИ КИЗ АЗА»
(16, 18, 20, 21.30).

Дружба — «АЛВИДО, ЗА-
МОСКВЕРЕК БЕЗОРИСИ...»
(тоқ соатларда); «СИНДБОД-
НИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ»
(жуфт соатларда).

Ватан — «ҚОРА КАЛХАТ»
(11, 13, 15, 17.00); «АЭРОПОР-
ТДАГИ ВОКЕА» (18.30, 21.00).

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАР-
ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —
25/VIII да Алвида, ҳаёт
(19.00); 26/VIII да Парвона
(19.00); 27/VIII да Отасининг
қизи (19.00).

(Бош ролада Ўзбекистон ССРда
хизмат кўрсатган артист Обид
Юнусов).



Ёзги Олимпиада ўйинлари олдидан



БИЛАСИЗМИ?

Сеулдаги мусобақаларда
237 комплекс медаллар
учун кураш боради. Булар-
дан 151 таси эркаклар ўр-
тасидаги, 72 таси аёллар ва
14 таси эса аралаш ҳолдаги
чиқишлар учун берилади.
Спортга қизиқиб шунчалик
ошиб кетдики, энди олим-
пиада программасидан ўрин
олган мусобақаларнинг уч-
дан бири аёлларга ажратил-
ган.

Шу билан бирга олимпиа-
дада аёллар қатнашадиган
«янги спорт турлари» кири-
тилган. Жумладан: енгил
атлетика 10000 метрга (аёл-
лар) югуриш. Камондан
отиш. Велопойга. Трек. Аёл-
лар спринти. Синхрон су-
зиш. Стол теннис. Пневма-
тик пистолетдан отиш, Ел-
канди спорт.

Дзю-дочилар ўртасидаги
мусобақалар эса олимпиада
программасидан чиқазил-
ган.

ЭНГ, ЭНГ...

Олимпиада ўйинлари та-
рихида америкалик спортчи
Жон Дени энг кексаси ҳи-
собланади. 1952 йилда
Хельсинкида бўлиб ўтган
Олимпиада ўйинларида 50
километрга юриш мусобақа-
сида қатнашганда спортчи-
нинг ёши 49 ёшу 74 кунлик
эди.

Ветеран олимпиадачилар
қаторига шунингдек, Лон-
донда ўтган 1948 йилги
Олимпиада ўйинларида 50
километрга юриш мусобақа-
сида иштирок этган 48 ёш-
ли Теббе Ллой-Жонсонни,
1960 йилда Римда ўтган
ўйинлардаги найза отиш
бўйича мусобақаларда қат-
нашган 38 ёшли чех Дану
Зоталковани кириштиш
мумкин. Шунингдек, 1920
йилда Антверпендаги Олим-
пиада мусобақаларида иш-
тирок этган америкалик
Пэт Макдональдни (42 ёш)
ҳам кириштиш мумкин. У
ҳозирда биз учун ғайрита-
биий бўлган спорт турлари
иштирок этганди. П. Мак-
дональд оғирлик отиш мусо-
бақаларида голиб, деб то-
пилганди. Руминиялик Лия
Манолиу (36 ёшда) Мехико-
да ўтган 1968 йилги ўйин-
ларда қўлга киритган олтин
медали билан юқориданги
рўйхатга кириши мумкин.

Яна бир қизиқ фактни
келтиришимиз. Мюнхендаги
(1972 йил) Олимпиадада
Ульрике Мейфарт (ГФР)
қатнашган эди. У ўшанда
16 ёшда бўла туриб баланд-
ликка сакраш мусобақасида
олтин медалини қўлга кирит-
ганди. Ульрике Лос-Анже-
лосда (1984 йил) ўтган ўйин-
ларда ҳам ўзининг ўн икки
йил аввалги муваффақияти-
ни қайтарган.

Тўловчи:
Д. ҲАМИДОВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета ўзбек ва рус
тилларида мустақил бир
йилда 300 марта чиқади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского Горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини нашриётининг Меҳнат Қи-
зи Вайроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кун-
лиши ва халқ контроли — 32-54-34; санъат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84;
шаҳар ҳўналиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-25;
фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тар-
бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; халқаро алоқа ва оммавий ишлар
— 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик, редакцияси — 33-38-42, 32-53-66;
«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.